

Назариёт ва амалиёт омиҳталиги

Ҳозирги кунда, давр талабига жавоб берадиган мутахассисни тайёрлашда амалиётни ва назарияни бир бири билан боғлиқ ҳолда олиб бориш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу “Гидромелиорация” факультети, “Сув хўжалиги ва мелиорация” таълим йўналиши 205- ва 211 - гурӯҳ талабалари учун амалиётни биринчи куниданоқ, мутахассислик бўйича жойлардаги ҳолатни билишга, англашга ҳамда соҳа бўйича билимини чархлашга ҳақиқий имконият яратилди десак, тўғри бўлади.

Талабалар 2018 йил 6 май куни Сирдарё вилоятига ташриф буюрган куниданоқ ҳафта давомида (7-13 май кунлари) малакавий амалиёт ўтайдиган Сирдарё вилоятидаги сув хўжалиги обьектлари режаси билан тўлиқ танишишди ва ўзларининг фикрларини билдирганлари ҳолда амалиётни ташкил қилган Институт раҳбарияти ва “Қуий Сирдарё” ИТХБ мутахассисларига катта минатдорчилигини билдиришди.

Талабаларнинг таъкидлашича, амалиёт юқори даражада ташкил қилинишининг муҳим хусусиятлари бу: 1) Аниқ режа асосида мақсадга йўналтирилганлиги; 2) обьектив-ҳиссий характеристи; 3) ёш бўлажак мутахассис касбига қизиқишининг уйғониши; 3) амалиётга соҳа бўйича етук профессор-ўқитувчиларнинг ва жойлардаги мутахассисларнинг жалб қилинганлигидир.

Талабаларнинг Мирзаобод туман ирригация бўлимида ишнинг ташкил қилинганлиги, бўлим тасарруфидаги каналлар, жумладан Д-З (Дўстлик-3) канали тўғрисида тўлиқ маълумотнинг берилиши ҳамда сув ҳисоб китобининг талабалар томонидан амалга оширилиши катта аҳамият касб қилди. Шу билан бир қаторда каналнинг умумий узунлиги бўйича сув исрофига сабаб бўлаётган бир қатор сабабларни мутахассислардан эшитишли.

Тумандаги каналлар ва фермерлар томонидан қўлланилаётган сув тежамкор суғориш технологиялари билан амалий томондан тўлиқ танишишга имконият яратилди. Амалиёт давомида тузилган режа асосида ишларнинг ташкил қилиниши натижасида келгусида мутахассислик фанларидан бериладиган назарий билимларга пойdevor яратилади деб бемалол таъкидлаш мумкин.



**“Ирригация ва мелиорация” кафедраси доценти Баҳтияр Матяқубов ахбороти,
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов.**